



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 5 НОЯБРЬ. ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 222 (13.035)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСПАНИЯ МАТБУОТИ:

"ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН НУФУЗЛИ АНЖУМАН ЯНГИ ИМКОНияТЛАР ЭШИГИНИ ОЧИБ БЕРАДИ"



Жорий йилнинг
5-6 ноябрь
кунлари Тошкент
шаҳрида бўлиб
ўтадиган Халқаро
инвестициявий

форум арафасида Испаниянинг "Sergobe" саноат ускуналари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси веб-саҳифасида мазкур тадбирга бағишланган мақола эълон қилинди.

Унда таъкидланишича, ушбу нуфузли анжуман давомида хорижлик меҳмонлар юртимизнинг давлат хусусийлаштириш дастурига киритилган етакчи корхоналари фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, йирик хорижий сармоядорлар мамлакатимизда бизнес юритиш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Кайд этилишича, мазкур форум Ўзбекистоннинг тез суръатлар билан ўсиб бораётган иқтисодиёти учун янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Ўз навбатида, Испаниянинг энг йирик нашрларидан бири — "Interescomia" веб-порталида юртимиз сармоявий салоҳиятига бағишланган материал эълон қилинди.

Унда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар миллий иқтисодиётга хорижий капитални жалб этиш кўрсаткичлари ўсишига замин яратаятгани алоҳида таъкидланган. "Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаяпти. Чет эллик ҳамкорлар иштирокида ташқи бозор талабларига жавоб берадиган ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда", дейилади мақолада.

Қолаверса, унда республикаимиздаги сиёсий ҳамда макroiқтисодий барқарорлик, энергия мустақиллиги, қулай жуғрофий жойлашув ва йирик бозорларга яқинлик Ўзбекистоннинг сармоявий жозибадорлигини ташкил этувчи асосий омиллар сифатида санаб ўтилган. Сўнгги омил ҳақида сўз юритгани ҳолда, Испания нашри юртимизда тараққий этган транспорт инфратузилмаси мавжудлиги туфайли Фарбий ҳамда Шарқий Осиё ва Европанинг йирик ҳамда тез суръатларда ривожланаётган бозорларига чиқиш имкониятига эга эканлигини эътироф этади.

Ўзбекистон, шунингдек, ўзининг салоҳиятли кадрлари, ишончли банк тизими, махсус индустриал зоналарида яратилган кўплаб имтиёз ва афзалликлар билан хорижлик инвесторларни ўзига жалб қилмоқда, дея ёзилади мазкур интернет порталида.

"Жаҳон" АА.
Мадрид

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 4 ноябрь кунин Ўзбекистон – Германия ва Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашларининг навбатдаги қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, машинасозлик, нефть-газ, қурилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, юқори технологиялар, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фармацевтика, божхона, суғурта ва экспорт-импорт каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгаши раиси Рустам Азимов, "Claas" компанияси бошқаруви аъзоси, Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши раиси Ян Хендрикс Мор ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада изчил ривожланиб бораётгани, ушбу анжуман савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада фаоллаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидagi муҳим ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мустақам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда давлатларимиз ўртасида икки томонлама солиққа торттиришнинг олдини олиш, капитал киритишга қўмақлаш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо бўйича энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2014 йилда қарийб 685 миллион долларни ташкил этган. Ўзбекистонда Германия сармояси иштирокида савдо, енгил саноат, тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳаларига иқтисослаштирилган 110 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 40 га яқин етакчи фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида Германия банклари иштирокида йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда таъсис этилган ишбилармонлар кенгашлари мамлакатларимиз ўртасидаги серкйра ҳамкорлиқни изчил ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Шу йил 25 февралда Берлинда мазкур кенгашларнинг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда ўтган навбатдаги мажлисда Германия ишбилармонларига мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, инвестиция жалб қилишнинг истиқболли йўналишлари, хусусий мулк ҳимояси ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кафолатлари тўғрисида маълумот берилди. Меҳмонлар "Навоий", "Жиззах" ва "Ангрен" индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар,

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЕНГИЛ САНОАТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Миллий матбуот марказида мамлакатимиз енгил саноатини ривожлантириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилди.

Пахта ва толаи қайта ишлаш бўйича кўп асрлик анъаналарини сақлаб келаётган мамлакатимиз енгил саноати мустақиллик йилларида макroiқтисодий комплексда муносиб ўрин эгалладилар. Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар, мустақам меъёрий-ҳуқуқий база тармоқ корхоналарига салмоқли ютуқларга эришиш ва ривожланишнинг янги марраларига чиқиш имконини бераётди.

Бугунги кунда енгил саноат тармоғининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 3,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажмида 26,2 фоиз, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 44 фоиздан ортиқни ташкил этаётди. Айни пайтда пахта толасини мамлакатимизда қайта ишлаш ҳажми сезиларли ошди. Чунки, бу кўрсаткич 1991 йилда 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 35 фоизгача етди.

Чет эл инвестициялари ва технологияларини жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, миллий тажриба ва умумэтироф этилган халқаро меъёрлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган пухта сиёсат юқори ишлаб

чиқариш кўрсаткичларига эришиш кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида мустақиллик йилларида тармоққа 2,2 миллиард доллардан ортиқ сармоя жалб этилди ва 180 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Кўкюн тўқимачилик комбинати негизда ташкил этилган "Индорама Кўкюн текстиль" қўшма корхонаси муҳим лойиҳалардан биридир. Йилга 29 минг тонна калава ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу лойиҳанинг қиймати 110 миллион долларни ташкил қилади. Хоразм вилоятида "Ўзтекс" корхоналар гуруҳи томонидан "Свис Капитал" (Швейцария) компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган, умумий қиймати 50 миллион доллардан ортиқ бўлган ва йилга 12 минг тонна калава ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ҳам кенг қўламли лойиҳалардан биридир.

Собик "Ўзбектекстильмаш" ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда Швейцариянинг "Машинфабрик Ритер АГ" компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ритер Ўзбекистон" хорижий корхонаси тармоқни ривожлантиришда салмоқли ютуқ бўлди. Ушбу корхонада лентали, тароқли ва ҳалқали йиғирув машиналари ишлаб чиқариш

рилмоқда. Бунинг самарасида мамлакатимизда замонавий тўқимачилик машинасозлиги қайта тикланди.

Шу тариқа бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти корхоналарининг йиллик ип йиғириш қуввати 450 минг тонна, тўқимачиликда 296 миллион квадрат метр мато, трикотаж полотноси ишлаб чиқаришда 90 минг тонна, тикувчилик-трикотаж йўналишида 270,2 миллион дона маҳсулотни ташкил қилмоқда.

Тармоққа замонавий технологияларнинг жорий этилаётгани маҳсулот экспортдаги ўз аксини топишмоқда. 2014 йил якунларига кўра, тармоқдаги экспорт кўрсаткичи бир миллиард долларга етди. Бугунги кунда енгил саноат маҳсулотлари дунёнинг 50 мамлакатига экспорт қилинмоқда.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тизимида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида умумий қиймати 99 миллион долларлик 18 янги корхона ишга туширилди. 43,1 миллион долларлик экспорт салоҳиятига эга ушбу корхоналарда мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Тўқимачилик саноати, тайёр газламалар ва кийимлар тайёрлашни янада ривожлантириш, шунингдек, "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда синтетик тола ва ип ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компаниясининг устувор йўналишларидандир.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

машинасозлик, енгил саноат, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги имкониятлар билан танишдилар.

Бизнинг оилавий компания озиқ-овқат саноати, хусусан, мева-сабзавотни қайта ишлаш учун замонавий техника ва ускуналар ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган, – деди ЎЗА мухбири Германиянинг "Kronen" компанияси бошқарувчи директори Штефан Цильгит. – Ўзбекистонга ўз маҳсулотларимизни тақлиф этгани ҳамда сармоя киритгани келди. Ушбу мажлис ва Халқаро инвестициявий форум доирасида Ўзбекистон компаниялари билан самарали музокара ўтказиш ҳамда мамлакатингиз ишбилармонлари билан икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

Анжуманда Германиянинг қатор йирик компаниялари вакиллари иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. Германиянинг "Claas", "Deutsche Kabel", "Knauf", "MAN", "Lemken", "Siemens", "Commerzbank" каби компаниялари ва молиявий муассасалари вакиллари Ўзбекистон бозоридagi ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида эканини қайд этди.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий ва технологик ҳамкорлиқни, жумладан, савдо, сармоя, банк сектори, саноат, транспорт ҳамда транспорт коммуникациялари, дори-дармон, енгил саноат, тўқимачилик каби қатор соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ҳамда мустақамлаш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қелишиб олинди.

Ирода УМАРОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро инвестициявий форум иштирокчилари 4 ноябрь кунин Фарғона ва Хоразм вилоятларида бўлиб, инвестиция киритиш тақлиф этилаётган корхоналар фаолияти билан танишди, мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит, иқтисодий ва молиявий имкониятлар ҳақида маълумотга эга бўлди.

● Навоийда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, вилоят ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида "Тинчлик – олий неъмат" мавзусида семинар ташкил этилди. Мамлакатимиз сарҳадларининг мустақамлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, тинчликпарвар сиёсатимизга раҳна солувчи ҳаракатларнинг олдини олишда чегара ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш муҳим аҳамият касб этади.

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқасини ривожлантириш шакллари ва усуллари бағишланган минтақавий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Наманган вилоятида жойлашган ҳарбий шаҳарчалардан бирида ватан ҳимоячилари учун бунёд этилган кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

● Жиззах вилояти Фаллаорол туманидаги Абдукарим қишлоғида 87-умумтаълим мактабининг 160 ўринли ўқув биноси реконструкция қилиниб, янги спорт зали фойдаланишга топширилди. Қишлоқ кўрқига кўрк бўлиб қўшилган муҳташам иншоотнинг кенг ва ёруғ синф хоналари, компьютер, лаборатория ва фан кабинетлари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали замонавий жиҳозланди.

ЖАҲОНДА

● Швейцариянинг "Breitling" компанияси янги моделдаги "ақлли" соатини тақдим этишга тайёрланмоқда. Унинг номи "Exospace" бўлиб, 16 декабрь кунин Нью-Йоркда кенг оммага намойиш қилинади. Соат симсиз алоқа орқали смартфонга уланади ҳамда хронограф (бирор воқеанинг содир бўлган вақтини аниқ белгилаб ёзиб оладиган асбоб), гирокомпас ва қон босимини ўлчайдиган мослама ва-зифаларини ҳам бажаради.

● Автомобиль шиналари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур "Michelin" компанияси (Франция) мамлакат ташқарисидagi филиалларида 1600 дан ортиқ иш ўринини қисқартиришга қарор қилди. Ушбу жараён Италия, Германия ва Шимолий Ирландиядаги учта заводда амалга оширилади. Яқин уч йил ичида эса уларнинг фаолияти бутунлай тўхтатилади.

Тошкентда МДХга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 63-мажлиси бошланди.

МДХга аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши ва унинг ижроия органи — Кенгаш дирекцияси Хамдўстлик давлатлари ўртасида барқарор иқтисодий алоқаларни таъминлаш мақсадида 1992 йил 14 февралда МДХга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг келишувига биноан ташкил этилган.

Кенгаш темир йўлларнинг эксплуатация фаолияти, юк ташиш вагонлари ва контейнерларидан биргаликда фойдаланиш, йўловчи ва юк ташиш шартлари, халқаро йўналишларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бажарилган ишлар ва хизматларни ҳисобга олиш ҳамда бунинг учун ўзаро ҳисоб-китоб тизимини ишлаб чиқиш, илмий-техник ҳамкорлик каби масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади.

63-мажлиси МДХга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгаши раиси О.Белозеров очди.

Мажлисида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва Хамдўстликка аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг аввалги мажлислари доирасида эришилган келишувлар қандай амалга оширилаётганига оид масалалар муҳокама этилди ҳамда шу йилнинг 9 ойи давомида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ўтган даврда Хамдўстликка аъзо давлатларнинг пўлат излари орқали 1,4 миллиард тонна юк ташилган ва бу қабул қилинган мажбуриятлардан 15 фоиз кўп экани таъкидланди. Бундан ташқари, ташишлар ўртача масофаси 3,5 фоиз ошгани қайд этилди. Ҳисобот даврида темир йўл маъмуриятлари юкларни ташишда ўзаро ёрдам кўрсатиш ишларини давом эттирди ва мазкур ёрдам ҳажми 3,9 минг вагонни ташкил қилди. Ўтган вақт мобайнида контейнерларда 20 миллион тонна юк ташилди ва бу қабул қилинган мажбуриятлардан 6,1 фоиз кўпдир. 2015 йилнинг тўққиз ойида халқаро йўналишларда хизмат кўрсатилган йўловчилар сони 14,8 миллион кишини ташкил этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси темир йўлларининг ҳисобот давридаги фаолиятига

алоҳида эътибор қаратилди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раиси О.Раматов анжуман иштирокчиларига Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз темир йўллари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳа корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон темир йўллари юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизими бўлиб, бугунги кунда уларнинг узун-

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

лиги 6 минг километрдан зиёдни ташкил этади. Шу боис мамлакатимиз Евроосиё транспорт маконида темир йўл орқали ташишни ташкил этиш ва транзит юкларни ташишда халқаро транспорт коридорлари имкониятларидан самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бундай салмоқли ютуқларга Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида транспорт тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган самарали сиёсат тўғрисида таъкидланди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибидаги қатор йирик sanoat корхоналари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиб бораётгани натижасида мамлакатимиз бугун Марказий Осиёда темир йўл транспорти учун мукамал қурилиш-таъмирлаш базасига эга ягона давлатга айланмоқда.

Масалан, 2013 йилда минтақамизда темир йўл транспорти учун кўйма маҳсулотлар ишлаб чиқаришда етакчи бўлган қуёв-механика заводида қиймати 150 миллион доллардан ортиқ модернизация ишлари бажарилиб, корхона Германия компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган технологик линиялар билан жиҳозлан-

ди. 2020 йилга келиб корхонада йилига 1200 юк вағони ишлаб чиқариш, 1500 вағонни таъмирлаш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Тошкент йўловчи вағонларини қуриш ва таъмирлаш заводида замонавий йўловчи ташиш вағонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Сўнгги йилларда бу ерда 120 янги вағон ишлаб чиқарилиб, 735 вағон модернизация қилинди. Бунинг самарасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юк ва йўловчи ташиш вағонларидан МДХ мамлакатлари темир йўлларида фойдаланилмоқда ва Ўзбекистоннинг темир йўл соҳасидаги технологик ютуқлари намоён этилаётган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Хамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, бошқа давлатларнинг sanoat, илмий ва эксплуатация корхоналари, кадрларни сифатли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув марказлари билан яқин алоқаларни кенгайтирмоқда, МДХ темир йўл транспорти маъмуриятлари билан ҳамкорлиқни мустаҳкамламоқда.

Туркменистон билан темир йўл соҳасида амалга оширилаётган самарали ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Икки давлатнинг интеграциялашган пўлат излари нафақат Ўзбекистон ва Туркменистон, балки бошқа мамлакатлар учун ҳам транзит тизими сифатида хизмат қилаётган. Бундан ташқари, яқинда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Туркменистон темир йўл транспорти вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Беларусь темир йўллари бошлиғи В.Морозов машинасозликни ривожлантириш ва юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини ташкил этишда Ўзбекистон тажрибаси эътиборга молик эканини таъкидлади. Хусусан, унинг қайд этилишича, “МДХга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгаши навбатдаги мажлисининг Тошкентда ўтказилиши самарасида мамлакатининг ушбу йўналишдаги ютуқларини ҳар томонлама ўрганиш имконияти пайдо бўлди”.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

(ЎЗА)

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИГИЛИШИ

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод ҳамда Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2006 йил 6 июндаги “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги “Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга қўмаклашиш тўғрисида”ги қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси кўриб чиқилди.

Йиғилишда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида таъминни бошқариш органлари ва таълим муассасалари томонидан ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Ишчи гуруҳи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф қилиш тавсия этилди.

Шунингдек, ушбу қонуннинг мақсад, мазмун-моҳиятини ва вазифаларини кенг тарғиб этиш юзасидан жамоатчилик кенгашларини жалб этган ҳолда ишларни мувофиқлаштириш, Жамоатчилик Кенгашларига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатларини киритиш ва ҳамкорликдаги ишларни янада фаоллаштириш, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқувчиларнинг давомат кўрсаткичларини мунтазам равишда таҳлил этиб бориш ва мониторинг юритиш янада фаоллаштириш ҳамда аниқланган ҳолатларни тегишли бошқармалар, жамоат бирлашмалари ва маҳалла фаолларини жалб этган ҳолда муҳокама этиш ҳамда намунали умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида сайёр йиғилишларни ташкил этган ҳолда мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш чораларини кўриш белгиланди.

Вояга етмаганларнинг “Интернет-кафе”лар ва “Компьютер клублари”дан ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини такомиллаштириш орқали уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш ишларини янада кучайтириш, ишлаб чиқариш корхоналари ва аниқ соҳа мутахассисларининг ўрнатилган ҳудудда ўқувчилар билан учрашувларини ташкил этиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси кўриб чиқилиб, таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқувчиларнинг чет тилларидан ҳамда информатика асосларидан чуқур билим олишларини таъминлаш, ёш авлоднинг орзу-интилишларини пухта ўрганиш, уларни касб-хунарга тўғри йўналтириш мақсадида умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ижодий интеллектуал салоҳиятини таҳлил этиш, уларнинг қизиқиш ва изланишларига йўл очиб борадиган кенг қўламли ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Билмимли, зукко йигит-қизлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг замонавий талаблар асосида илм олишга бўлган қизиқишини кучайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришга катта эътибор қаратиш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари томонидан чет тилидан таълим беришни такомиллаштириш борасида махсус курсларни ташкил этиш ишларига бўлган эътиборни янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 июндаги “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги “Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга қўмаклашиш тўғрисида”ги қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси атрофлича кўриб чиқилди.

Қўшма йиғилишда қўрилган барча масалалар бўйича доимий комиссиялар ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилинди.



Пойтахтимизда IX Халқаро sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда 2 мингдан зиёд фирма ва компания, йирик sanoat корхоналари 21 минг турдан ортиқ маҳаллийлаштирилган ёки ўзлаштириш учун тақлиф этилаётган маҳсулотларини намоён этди.

Отабек Мирсоатов олган сурат

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Сергели тумани Давлат солиқ инспекциясида тадбиркорлар иштирокида очик мулоқот тарзидаги учрашув бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар прокуратураси, Адлия, Давлат солиқ, Статистика, Божхона идоралари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармалари вақиллари ва коммунал идоралари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талаблари ва моҳиятини тадбиркорларга тушунтириш ҳамда улар фаолиятида юзага келаётган муаммо ва тақлифларини ўрганишга қаратилди.

Кейинги пайтларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қўллаб-қўнгир ҳужжатлари қабул қилинмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси жамоат-

чилик кенгашининг масъул котиби Ҳасан Мадалиев. — Ушбу қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш, яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан хабардор қилиш соҳа ривожига катта ҳисса қўшади. Жуда қўллаб-қўйиш тадбиркорлик субъектлари ташкил этилаётган. Уларнинг ҳаммаси ҳам яратилган шарт-шароитлардан тўлиқ хабардор эмас. Мана бундай учрашувлар уларнинг ҳуқуқий билимларини бойитишга хизмат қилади.

Йиғилиш давомида солиқ қонунчилиги янгиликлари, имтиёз ва преференциялар, ҳўжалик юритувчи субъектларда текширув ўтказиш тартиби, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда бошқа бир қатор масалалар юзасидан батафсил сўз юритилди.

Қизгин савол-жавобларга бой тарзда ўтадиган бундай очик мулоқотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун фойдадан холи эмас.

Абдували СОДИКОВ

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯНАДА КЕНГ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш бўйича семинар бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳрида жойлашган йирик sanoat корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вақиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонининг мазмун-моҳияти, мазкур Фармон доирасида тадбиркорлик субъектларига берилаётган янада кенг имкониятлар ҳамда улар фаолиятига ноқонуний аралашининг олдини олиш юзасидан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан корхона ва ташкилотлар учун экология йўналишида берилаётган қўмақлар ҳамда мавжуд муаммолар ечими ҳақида ҳам фикр юритилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг Давлат инспекцияси бошлиғи в.б. Л.Муҳамеджанов ва қўмита ҳуқуқшуноси Т.Лапасовлар сўзга чиқиди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Фармон ижроси доирасида тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашини ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан

фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш каби масалалар ўз ечимини топган.

Қолаверса, 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

— микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режалар тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа ҳўжалик субъектларида эса фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши;

— молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режалар текширувларни ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмаслиги;

— тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалар текширишлар фақат сўнгги режалар текширувдан кейинги даврни қамраб олиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги барча туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизда 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб “бир дарча” марказларининг фаолият юритиши белгилаб олинган. Ҳозирги кунда эса Тошкент шаҳридаги 4 та туманда ушбу марказ тажриба сифатида фаолият юритмоқда.

Тадбир давомида корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволлар ва мавзулар бўйича тегишли жавобларни олишди.

Семинар якуни бўйича қабул қилинган қарорда қўмитада келгусида мазкур Фармон ижроси доирасида бажариладиган ишлар аниқ белгилаб олинди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ахборот хизмати



ЎзА олган суратлар

Спорт янгиликлари

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА
ҚУРЪА ТАШЛАНАДИ

Тошкент шаҳридаги "Зарафшон" кино-концерт саройида футзал бўйича 2016 йилнинг 9-21 февраль кунлари пойтахтимизда ўтказиладиган Осиё чемпионатининг финал босқичига қуръа ташланадиган бўлди.

Қуръа ташлаш маросими жорий йилнинг 2 декабрь куни мазкур мусобақага йўлланма олган терма жамоалар вакиллари ҳамда масъул шахслар иштирокида бўлиб ўтади.

Айни пайтда мазкур нуфузли чемпионатнинг саралаш босқичида қатнашадиган жамоалар номи аниқланмоқда. Маълумки, тўрт терма жамоа — Япония, Эрон, Қувейт ва мезбон Ўзбекистон термалари турнирнинг тўғридан-тўғри финал босқичида иштирок этади. Тошкентдаги Осиё чемпионатининг ярим финалига йўл олган тўртта омадли жамоа бир йўла 2016 йили Колумбияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Пойтахтимиздаги футбол клублари тарбияланувчилари ўртасидаги Тошкент шаҳар биринчилигининг 11-турида "Пахтакор" академияси жамоалари "РОЗК" жамоаларидан устун келди.

"ПАХТАКОР" ЁШЛАРИ ҒОЛИБ

"РОЗК" майдонида сафар уюштирган пахтакорчилар бешта ёш тоифасининг барча учрашувларида ғалаба қозонишди. Фестиваль тарзида ташкил этилаётган 2004 ва 2005 йилда тузилган футболчилар учрашувлари эса кейинроққа қолдирилди.

"РОЗК"нинг ёш футболчилари бешта учрашувда атиги 2 марта гол уришга муваффақ бўлди. Бунга жавобан "Пахтакор" клуби тарбияланувчилари 22 марта мезбон жамоа дарвозасини ишғол қилди. Мехмонларнинг 2000,

2001, 2002 йилларда тузилган жамоаларининг барчаси рақиблари дарвозасига ҳар бир ўйинда 6 мартадан тўп киритишни уддалади. Ўсмир ёшдаги футболчилар ҳамда 12 ёшли болалар баҳслари бир хил 2:0 ҳисобида "Пахтакор" академияси фойдасига ҳал бўлди.

Бу турнир фақат ғалабалар билан якунланган "Пахтакор" тарбияланувчилари 12-турда "БЎСМ-16" жамоалари билан майдонга тушади.

Ботир ХЎЖАЕВ

Пойтахтимиздаги "Қушбеги" спорт мажмуасида болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган гимнастрада мусобақалари юртимизда ушбу спорт тури тобора оммалашиб бораётганини кўрсатди.

ГИМНАСТРАДА ОММАЛАШМОҚДА

Унда юртимиздаги махсус мактаб-интернатлари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўз маҳоратларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этишди.

Ёшларнинг жисмонан соғлом, бакуват бўлиб вояга етишлари имкон яратадиган ушбу беллашув голиблари мусобақа мутасаддилари томонидан муносиб тақдирланди.

САФАРДАГИ МУҲИМ ҒАЛАБА

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган XXIV мамлакат миллий чемпионатининг 28-тур баҳслари якунига етди.

Маълумки, бириччилик баҳслари якунланишига бор-йўғи икки тур қолганда турнир жадвалининг юқори ва қуйи поғоналарида бораётган жамоалар майдонга фақат ижобий натижа қайд этиш учун тушишмоқда. Бу эса ҳар бир беллашувнинг қизиқарли, мурасиз кечишини таъминламоқда.

Чемпионатнинг 28-турида амалдаги чемпион "Пахтакор" Муборак шаҳрида "Машъал" меҳмони бўлди. Мурасиз курашлар остида кечган баҳсда пахтакорчилар 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб 69 очко жамғарган ҳолда

лардан — Ғуломов мезбонлар дарвозасига тўп киритди. Қолган баҳслар қуйидагича якунланди: "Навбахор" — "Кизилқум" — 2:1, "Металлург" — "Бухоро" — 1:2, "Нефтичи" — "Қўқон-1912" — 0:1, "Сўғдиёна" — "Олмалик" — 1:0, "Бунёдкор" — "Андижон" — 4:0, "Динамо" — "Насаф" — 1:1.

Ўтган 28-тур баҳсларидан сўнг 69 очко жамғарган "Пахтакор" турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган бўлса, чемпионни изма-из таъқиб қилиб келаётган "Локомотив" ҳисобида 68 очко мавжуд. "Насаф" ва "Бунёдкор" 3,4-ўринларни эгаллаб туришибди.

Турнир жадвалининг қуйи поғоналарини "Сўғдиёна", "Динамо" ва "Бухоро" жамоалари банд этишган.

Акбар Йўлдошев

Кўргазмалар

САҲНА СЕҲРИ
ТАСВИРЛАРДА

Тошкент Фотосуратлар уйида "Саҳна сеҳри" деб номланган кўргазма очилди. Ушбу маданий тадбир Ўзбекистон Бадий академияси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада тақдим этилган асарлар томошабин онгига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи сценография ва замонавий санъатнинг туташиши асосида қурилган. Унда инсталляция, видеоарт, перформанс каби замонавий санъат турлари намойиш этилмоқда. Бу ерда Шухрат Абдумаликов, Татьяна Фадеева, Фаррух Аширов, Доно Ганиева, Виктория Ким, Надежда Ли, Мохира Жуманиёзова, Музаффар Йўлчибоев, Отабек Файзиев, Зулфия Курбонова сингари кино ва театр рассомлиги ижодкорларининг саҳна

санъатига оид ишлари билан танишиш мумкин.

Муаллифларнинг танлаган мавзулари негизда Шарқ ва Ғарб ёзувчиларининг адабий асарлари, бугунги кун муаммолари ҳамда ҳар қандай санъат турларининг бошланғич нуқта-си бўлиши фалсафа ётади.

Ушбу гоа муаллифлари ресс-публикамиз ва хорижда кўлаб муваффақиятли лойиҳаларни амалга ошириб келаётган машҳур театр ва кино рассомлари Шухрат Абдумаликов ва Татьяна Фадеевалардир.

Хабиба ЛУТФУЛЛАЕВА

Давлатнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг осойишталигини таъминлашда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун ёзни иссиқ, қишни совуқ демай фидойиларча иш олиб бормоқдалар.

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ"ДАН ЭҲТИЁТ
БЎЛАЙЛИК

Ёнғин нафақат қишда балки барча фаслларда содир бўлади. Кузги-қишги мавсумда барчани ташвишга қўядиган ёнғин хазонрезги, газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқади. Қуриган хазон ва чиқиндилар кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бизнеснинг мамлакатимиз иссиқ ўлкалардан ҳисобланади. Шу сабабли хазонлар тўқилиши билан тез ёнувчан қуриган ўтга айланади. Ўз вақтида тозаланмаган хазон ташвиш келтириши шубҳасиз. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик даврида шахримизнинг маҳалла, даҳа ва кўчаларида экология бузилмаслиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда фуқаролар билан ҳамкорликда қуриган хазон ва шох-шаббаларни ўз вақтида тозалашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида Яшнобод туман ёнғин хавфсиз-

лиги инспекторлари томонидан ҳудуддаги "Машинасозлар", Усмон Носир, "Янгиобод", "Яшнобод", "Наврўз", "Дўстлик", "Авиасозлар", "Умид" маҳаллалари ва мактаблар, мактабларга таълим муассасаларида йиғилишлар ўтказилаётди. Ҳудуддаги хазон ва шох-шаббалар йиғилиб қолмаслиги ва уларни ёқиб юборишга йўл қўймаслик юзасидан тарғибот тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойига назар солсак, туманда содир бўлган ёнғинлар сони 147 тани ташкил этиб, натижада 3 нафар фуқаро турли даражадаги куйиш тан жароҳати олган. Ачинарлиси бир нафар фуқаро ҳалок бўлди. Бу каби қўнғилсиз ҳодисаларнинг қайта такрорланмаслиги учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига барчамиз риоя қилишимиз лозим.

Нодир ТУРДИЕВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ
инспектори, кичик сержант

"Камолот"

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ
БЎЙИТИЛМОҚДА

Ёшларни суд органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судига ташриф уюштирилди.

Унда Чилонзор туманидаги ўрта махсус ўқув юртининг "Камолот" етакчилари, ИИБ профилактик ҳисобидида турувчи ўқувчи-ёшлар, Ҳаракат фаоллари қатнашди. Дастлаб иштирокчиларнинг жиноят ишлари бўйича туман суди масъул ходимлари томонидан суд биноси бўйлаб саёҳатлари ташкил этилди. Бунда иштирокчиларга суд тизимидаги ходимларнинг фаолият олиб бориш тартиби тўғрисида маълумотлар берилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мушакил ва онгли муносабатини шакллантириш, мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга ошириш лозим бўлган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларига ҳурмат ҳиссини камол топтиришдан иборатдир.

— Тадбир давомида ёшларимиз суд тизими ва фаолияти билан яқиндан танишди, — дейди "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдидинов. — Мутасадди вакиллар билан учрашув натижасида улар судларнинг жамиятимиздаги ўрни, ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида янада кўпроқ маълумотга эга бўлдилар. Бу каби учрашувлар ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга сўнги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниришда муҳим аҳамиятга эга.

"Камолот" фаоллари ташриф давомида туман суди раислигида фарибгарлик жиноятини содир этишда айбланган фуқаро Тожиёвнинг очик суд мажлисида иштирок этишди.

Тадбир давомида ўқувчилар судланган шахсларнинг жазо муддатини тўлиқ ўтаб бўлганларида ёки айрим ҳолларда амнистия акти билан озодликка чиқарилган фуқароларнинг давлат идораларида ўз иш фаолиятларини олиб боришлари мумкинлиги, психологик таъсир остида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун қўлланиладиган жазо муддатлари, судлардаги жабрланувчи ва жиноят содир этувчиларнинг ўзаро ярашув ҳолатлари бўйича маълумотларга эга бўлишди.

ТИЗИМЛИ ИШЛАР
АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА

Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис коллежида "Одам савдоси — аср вабоси ҳамда ёшлар ўртасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Камолот" ЁИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши ҳамда шаҳарча ИИБ бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Одам савдоси инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган жиноятчилик қўрилишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги, гирдобига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Унга қарши курашишда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунириш ишларини олиб бориш, фуқароларни мавжуд вазиятдан огоҳ этиш давр талабидир.

— Одам савдосининг бугун ҳаётимизга нақадар катта хавф солаётганини чуқур англамоғимиз лозим, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Зиёдулла Саъдуллаев. — Бинобарин, ўқувчи-ёшлар бу борада бефарқ бўлмасликлари, ҳар хил игво, бугунчи гоёларга таъсирга тушиб қолмасликлари лозим.

Давра суҳбатида "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ИИБ бўлими бошлиғи подполковник Ш.Мирзажонов сўзга чиқиб, шаҳарча ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, ички тартиб-қоидаларга жиддий риоя этилиши муҳимлиги ҳақида фикр билдирди. Жамиятта муаммо туғдирадиган одам савдосининг ашаддий оқибатларига тўғалиб ўтди. Миллионлаб инсонларни ўз домига торган бу қабих жиноятга қарши бугунги кунда юртимизда тизимли ишлар амалга оширишмоқда.

Тадбирда барчамиз доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз лозимлиги таъкидланди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА



13 даража илиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 ноябрь эрталаб

Тошкент шаҳрида 6 ноябрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезлик-да шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи 11-13 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли модда-ларнинг бир оз йиғилиши-га имконият яратади, иф-да шамол эсади. Ҳарорат лосаниш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г - 1155

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6168 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпирилди: 14.10